Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 16 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 35 (7032)

Da'vat

Бизларнинг ҳар биримиз ўз тилимизни ривожлантиришимиз, бойитишимиз, унинг бисотида мавжуд бўлган инсон қалби ва руҳий дунёсидаги барча товланишлар, жилолар, буёкларни ифодалай оладиган имкониятларни юзага чиқаришимиз керак.

Чингиз АЙТМАТОВ

Ibrat

Бундан уч йил муқаддам асли жалолқудуқлик Нозима Тожиматова танлов асосида Огайо штатидаги коллежга қабул қилинганди. Иқтидорли талаба икки йиллик коллежни бир йилда имтиёзли тугаллади ва Тошкентда таржимонлик қила бошлади. Яқинда Нозимахон «Умид» жамғармаси синов имтиҳонларидан ҳам муваффақиятли утди. Энди у ўқишини яна Америкада, Флорида штатидаги Стэтсон университетининг 3-курсидан давом эттиралиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, умумтаълим мактабларининг ўқитиш дастурларини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиш, унинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан давомийлигини ва узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, умумий ўрта таълимнинг (мактабнинг 1-9-синфлари) таълим дастурлари:

ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни;

ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф-оламга онгли муносабатни ҳосил қилишни;

миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашни, уз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантиришни;

1-9 синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро узвий боғланишини таъминлаши лозим.

2. «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

1998 йил 1 августга қадар – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқсин, унда:

тайёрлаш сифати ва таълим мазмунига талабларни белгилашни;

ўқувчиларни тайёрлаш учун мақбул бўлган зарур ўқув фанларини, таълим дастурларини ва ўқув соатлари ҳажмларини шакллантиришни;

мактабни битирувчиларга нисбатан малака талабларини белгилашни;

таълим муассасаси (мактаб) фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишни назарда тутсин;

1998-1999 ўқув йили давомида – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини синовдан ўтказишни таъминласин;

1999 йил 1 июлга қадар – синов натижаларини ҳисобга олган ҳолда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини пухта ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини умумтаълим мактабида ўқитиш дастурлари билан биргаликда жорий этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

1998 йил 1 сентябрга қадар – умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш билан бир пайтда унинг асосида умумтаълим мактаблари учун тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда 10-11 синфлар ўқув юкламалари ва дастурларининг тегишли равишда 5-9 синфлар ўқув дастурларига, шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастурларига ўтказилишини назарда тутсин;

1998-1999 ўқув йили мобайнида – кўрсатиб ўтилган ўқув дастурларини умумтаълим мактабларида тажриба тариқасида синаб кўрсин;

1999 йил 1 июлгача -- тажриба ўқув дастурларини жорий этишни тажриба тариқасида синаб кўриш якунларини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими тизими педагоглари, мутахассислари ва раҳбарларининг хулосаларини умумлаштирсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг синаб кўрилиши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, киритилган таклифларни умумлаштириш мақсадида Республика комиссияси ва махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилсин. Комиссияга ва ишчи гуруҳларига она тили, адабиёт, тарих, математика, физика, кимё, биология ва бошқа фанлар бўйича ўқув дастурлари тайёрлаш, шунингдек, уларнинг республикада тажриба тариқасида синаб кўрилиши учун жавобгарлик юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай комиссиялар тузилсин. Комиссияларга малакали педагоглар ва мутахассисларни ишга жалб қилишга рухсат этилсин.

Республика комиссияси тадбирлар иш режасини тайёрласин ҳамда тажриба ўтказиш жараёнида, ўтказилган тажрибанинг тўпланган натижаларини, фанлар бўйича махсус ишчи гуруҳлари ва ҳудудий комиссиялар таклифларини ҳисобга олган ҳолда, 1999 йил 1 августгача 1-9 синфлар учун мактаб дарсликларини тайёрлаш дастур-топшириқларини ишлаб чиқишни таъминласин.

Дарсликларни тайёрлаш бўйича шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири ва Давлат матбуот қўмитаси раиси зиммасига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта мактабларда янги ўқитиш дастурлари ва услублари бўйича махсус курсларни ишлаб чиқсин ва уларни 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб педагогика институтлари ва университетларининг талабаларини тайёрлаш дастурига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази:

1998 йил 1 августга қадар – таълим муассасаларини, умумий ўрта таълим раҳбар ходимларини ва педагог кадрларини даврий равишда аттестациядан ўтказиб туриш тартибини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

1998 йил 1 сентябрига қадар – 5-9-синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

1998-1999 ўқув йили мобайнида – 5-9-синфлар битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказишнинг тест усулларини тажриба текширувидан ўтказсинлар ва уларнинг 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб жорий қилинишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

1998 йил 1 сентябрга қадар – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, билимлар асосларини пухта урганиш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича кадрлар тайёрлаш учун академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган билимли, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашнинг босқичли бўгини сифатида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компанияларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги Низом тасдиқлансин.

3. Белгиланснки:

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш босқичма-босқич амалга оширилади;

академик лицейлар, қоидага кўра, олий таълим муассасалари ҳузурида, ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа таълим муассасалари негизида ва янги қурилиш ҳисобига ташкил этилади;

касб-ҳунар коллежлари ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари ва уларга тенглаштирилган таълим муассасалари негизида, шунингдек янги қурилиш ҳисобига ташкил этилади;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган ўқув юртлари ўқувчиларининг ўқишни тамомлашлари ушбу ўқув юртлари негизида ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари томонидан таъминланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда:

1999 йил 1 июнга қадар - ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартини ишлаб чиқсинлар, унда:

умумий ўрта ва олий таълим билан узлуксизлик ва изчиллик принципини амалга ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифати ва мазмунига талабларни белгилашни;

академик лицейда билимлар асосларини пухта урганиш ҳамда касб-ҳунар коллежида мутахассислар тайёрлаш учун зарур бўлган ўқув фанларини, таълим дастурларини ва махсус дастурларни, ўқув соатлари ҳажмларини шакллантиришни;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига нисбатан малака талабларини белгилашни;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқишни назарда тутсинлар;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб - ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти синаб кўрилишини таъминласинлар;

2000 йил 1 июля қадар - синов натижаларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат стандартини пухта ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

1999 йил 1 сентябргача - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандарти асосида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин, уларга умумтаълим мактабларининг 10-11 синфлари ўқув юкламалари ва дастурлари бир қисмининг ўтказилишини назарда тутсин;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб - кўрсатиб ўтилган ўқув дастурларини ишлаб турган ҳамда ташкил этиладиган академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида тажриба тариқасида синаб кўрсин;

2000 йил 1 июлгача - тажриба ўқув дастурларини жорий этишни тажриба тариқасида синаб кўриш якунларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар, олий ва халқ таълими тизими ўқитувчилари, мутахассислари, раҳбарларининг хулосаларини умумлаштирсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Тажриба ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларнинг синаб кўрилиши устидан назоратни таъминлаш, шунингдек киритилган таклифларни умумлаштириш мақсадида Республика комиссияси ва махсус ишчи гуруҳлари ташкил этилсин. Комиссияга ва ишчи гуруҳларига академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларини тайёрлаш, шунингдек уларнинг республикада тажриба тариқасида синаб кўрилиши учун жавобгарлик юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам шундай комиссиялар тузилсин. Комиссияларга вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва корхоналарнинг зарур мутахассислари ни ишга жалб қилишга рухсат этилсин.

Республика комиссияси тадбирлар иш режасини тайёрласин ҳамда тажрибанинг тупланган натижаларини, махсус ишчи гуруҳлар ва ҳудудий комиссиялар таклифларини ҳисобга олган ҳолда, 2000 йил 1 августгача академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар тайёрлаш дастур-топшириқлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

Дарсликларни тайёрлаш бўйича шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари ва Давлат матбуот қўмитаси раиси зиммасига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини якуний аттестациядан ўтказиш тест усулларининг тажриба синовини босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутган ҳолда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни 1999 йил 1 сентябргача ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Устоз» жамғармаси билан биргаликда Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини пе-

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 186-модда; 1993 йил, № 9, 334-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1998 йил 1 май.

(Ушбу Қонун матни газетанинг 2-бетида эълон қилинмоқда)

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ 3-бет

«ЎҒРИНГИЗНИ КЕЧИРИНГ, АЯ...» 4-бет

Jarayon

МИЛЛИЙ ДАСТУРДА ЎҚИТУВЧИ ЎРНИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 307-мактабда «Ўқитувчи — «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишда ҳал қилувчи куч» мавзусида амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг режасига биноан, пойтахтдаги барча умумтаълим мактаблари директорлари ва туман ХТБ мутасадди ходимлари учун амалий машғулот сифатида ўтказилди.

Ушбу анжуман мактаб ўқувчиларининг махсус либосда кириб келишлари билан бошланди. Бу айни пайтда уларнинг кийиниш маданиятини белгиловчи тадбир ҳам бўлди.

Мактаб ҳовлиси кўрсаткичлар акс этган жадвалларга тўлиқ эди. Уларда таълим даргоҳининг кечаси ва бугуни акс этган.

Анжуманда 6 та мактабнинг лаборатория ишлари кузатилди. Уларда 61, 161, 166, 216, 244 ва 307-мактабларнинг раҳбарлари ўз иш тажрибаларини намойиш этдилар.

Туман ҳокимининг муовини Б. Садриддинов, шаҳар ХТББ бошлиғининг муовини Л. Пинчук ва ТШҲМОИ директори Д. Алиевалар иштирок этишиб, бу анжуманга ўз муносабатларини билдиришди.

А. МАҲКАМОВ,
Ҳамза туман халқ таълими бўлими нозири

ДАРСЛИКЛАР САВДОСИ ҚИЗҒИН

Шайхонтоҳур туманидаги 3-китоб дўконида айни кунларда ўқув дарсликлари савдоси қизғин бормоқда. «Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамиятига қарашли мазкур дўкон бошлиғи Вера Шилина ташаббуси билан дўконга 239220 сўмлик дарсликлар келтирилиб, харидорлар талаби қондирилмоқда.

— Дарсликлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилмоқда. Харидорларимизни эса, асосан, ота-оналар ташкил этаяпти, — дейди дўкон сотувчиси Муҳаббат опа Мираҳмедова. — Дўконимизда харидорлар учун барча қулайликларни яратишга, улар излаган китобларни албатта топиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Суратда: сотувчи М. Мираҳмедова иш устида.

Марат АРИНОВ олган сурат

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 май куни «Симон Виезентал Маркази» Халқаро яҳудийлар ташкилотининг ташқи алоқалар бўйича директори Шимон Самюэл раҳбарлигидаги ушбу ташкилот делегациясини қабул қилди.**

- **Мамлакатимизнинг Автомобиль ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилоти (OICA)га қабул қилиниши иқтисоднинг янги соҳасида эришилаётган ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олиниши бўлди.**

- **Дунё ҳамжамиятининг кескин норозилигига сабаб бўлган Ҳиндистон-**

JUMLADA JAHON

нинг ядро қуроллари синовини ўтказиши минтақада беқарорликни келтириб чиқариши мумкин, деб баҳоланмоқда.

- **АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси Стефан Сестановичнинг фикрича, Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларидаги янги мустақил давлатлар ўз мустақилликларини сақлаш ва ҳимоя қилишга қодирдирлар.**

- **Болтиқбўйи давлатлари президентларининг учрашуви ўзаро ҳамкорлик масалалари, шунингдек, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва НАТО блоки билан ҳамкорлик қилиш мавзуларига бағишланди.**

Munosabat

ИЛМ БИЛАН ВАТАН АНГЛАНАР

Утган куни Россия телевидениессининг «Вести» кўрсатувида қушни Қирғизистон Республикасида икки хорижлик киши жиноят устида қўлга олинганлиги ҳақида хабар берилди. Маълум бўлишича, улар бир гуруҳ қирғизстонлик ёшларни Покистонга ноқонуний йўллар билан олиб ўтиб, улардан «ислом жангарилари» тайёрлаш ниятида эканлар. Шу хабарни эшитиб Президентимиз Ислом Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида айтган қуйидаги гаплари нақадар тўғри чиқарилган хулоса эканлигига янада амин бўлдим: «Ҳолисона тан оламиз: Ўзбекистон ҳудудида баъзи бир ечилмаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик бордир, одамларнинг ҳаёти ҳали биз орзу қилган даражада эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйгандирмиз. Ўрта ва олий ўқув тизимидаги, маънавият ва маърифат соҳасидаги масъул кишиларнинг лоқайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб Ватанига, ватандошига қўл кўтармас, қўпорувчилик билан шуғулланмас эди».

Ушбу сессияда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни замонавий, тараққий этган мамлакатда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларга янада ойдинлик киритди. Тарихий манбалардан маълумки цивилизация сари интилишнинг ҳар бир даврида ҳам бу иккала унсур, уларнинг вазифалари ҳеч қачон бир-бирига аралаштирилмаган. Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган китобида бу масалага алоҳида тўхталиб: «Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганли-

(Давоми 3-бетда)

MMM

XABARLARI

YOSH TEMURIYLAR

Yakkabog' tumanining M. Tursunova nomidagi litseyida «Temuriy shahzodalar» ko'rik tanlovi bo'lib o'tdi. Tanlovda 5 nafar o'quvchi ishtirok etib, temuriy shahzodalarga xos mardlik, jasurlik, chaqqonlik va epchillik, irodalilik kabi xislatlari, milliy qadriyatlarimizni ulug'lash, ma'naviy-axloqiy asoslarini takomillashtirish borasida o'zaro kuch sinashdilar.

O'zining chaqqonligi va bilimdonligi bilan A. Avloniy nomidagi maktab o'quvchisi F. Nurimov birinchi, 77-maktab o'quvchisi X. Ashurov ikkinchi o'rinni egalladilar.

Tanlov ishtirokchilariga «Kamolot» jamg'armasi tuman bo'limi esdalik sovg'alari topshirdi.

Fotima Islom qizi

YANGI ALIFBO VA TALABA

Toshkent Davlat Universitetida yaxshi tadbir yo'lga qo'yildi. Universitetning har bir fakulteti domla va talabalariga yangi o'zbek alifbosidan bosqichma-bosqich mashg'ulotlar o'tishga kirishildi. Mashg'ulotlar tashkil etish bobida filologiya fanlari nomzodi, dotsent Muhammadjon Qodirov jonkuyarlik qilmoqda.

Shuni ham ta'kidlash kerakki, universitetning biologiya fakulteti talaba va o'qituvchilari lotin alifbosiga asoslangan yangi o'zbek alifbosini tez va qisqa muddatda o'rganishda boshqalarga o'rnak bo'lishmoqda.

O'g'iloy YUNUSOVA

O'ZLIKNI O'RGANISH

Poytaxtimizdagi 325-sonli sharqshunoslik litseyida Respublika ma'naviyat va ma'rifat jamoatchilik markazi qoshidagi «Oltin meros» halqaro xayriya jamg'armasi raisi, bolajonlarning sevimli yozuvchisi Xudoyberdi To'xtaboyev va O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi raisi muovini Yo'ldosh Sulaymonlar bilan uchrashuv kechasi bo'lib o'tdi.

Uchrashuvda mehmonlar xalqimizning ming yillik tarixi va boy milliy madaniyati, qadriyatlarimiz, udum va urf-odatlarimiz xususida o'quvchilarga so'zlab berishdi, Qiziqarli o'tgan mazkur uchrashuv o'quvchilar uchun o'zlikni anglash fanidan saboq bo'ldi

Sobirjon HOJIEV

MMM

XABARLARI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари тизимасида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказларини ташкил этсин;

марказларни – ўқувчилар контингентини ҳисобга олган ҳолда, халқ таълими туман, шаҳар бўлимлари ва уларнинг услубиёт кабинетларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ходимлари сони доирасида ташкил этсин. Марказлар штатдаги ходимларининг чекланган сони кўпи билан 4 нафардан иборат этиб белгилансин;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис маркази тўғрисидаги Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Қуйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар ривожланишига психологик-педагогик жиҳатдан ташҳис қўйиш, уларнинг қобилияти ва мойиллигини аниқлаш, болани олти ёшдан бошлаб мактабга қабул қилиш тўғрисида тавсияномалар бериш;

ўқувчиларни ҳар йили тиббий-педагогик текширишлардан ўтказиш;

болаларга ва ота-оналарга ўқувчиларни ўқитишда, тарбиялашда ва ижтимоий мослаштиришда психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш;

мактаб ўқувчиларига, уларнинг қобилиятларини, касб-ҳунарга мойилликларини, қизиқишларини ва қўникмаларини ҳисобга олган ҳолда, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежидаги таълим йўналишини танлашда кўмаклашиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили 1 августга қадар:

мактабларнинг малакали педагог кадрлар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик материаллар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари билан таъминланишини;

умумий ўрта таълим тизими таълим муассасаларининг моддий-техника базасини тайёрлашни, ўқувчилар учун зарур санитария-маиший ва ижтимоий шароитлар яратилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Устоз» жамғармаси ўқитишнинг илғор усулларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаётган ва улардан фойдаланаётган умумий ўрта ва олий таълимнинг илғор таълим муассасалари негизида умумий ўрта мактаблар ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этсинлар ва уларнинг мунтазам ишлашини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мактаб ўқувчиларини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказишни, санитария ва мактаб гигиенаси нормаларига, ўқув-тарбиявий жараённинг соғломлаштириш йўналишига риоя қилинишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 13 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

дагог кадрлар билан таъминлаш дастурини икки ой муддатда тайёрласин, унда:

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагоглари ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низом, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли тариф сеткаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

умумтаълим мактабларининг 10-11-синфларидан, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларидан бушаб қолаётган ўқитувчиларни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ишлашга жалб қилишни;

хорижий таълим ва илм-фан марказларида тайёргарликдан ўтган педагог ходимларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига юборилишини;

фан, олий таълим, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва маданият соҳасидан амалиётчи мутахассисларнинг педагогик фаолиятга фаол жалб этилишини;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб таянч педагогика институтлари ва университетлар талабаларини тайёрлаш дастурига янги таълим, касб-ҳунар дастурлари ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш услубиёти бўйича махсус курслар киритилишини;

муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашда фан ва ишлаб чиқариш муассасаларининг моддий-техника базаси ва услубий имкониятларидан кенг фойдаланишни;

республиканинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи ва улардан фойдаланувчи таянч олий таълим муассасаларида, илғор таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар таркибини, педагоглар ва муҳандис-педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мунтазам курслар ташкил этилишини назарда тутсин.

9. Махсус Ҳукумат комиссияси (У. Т. Султонов)га Академик лицейларни ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлашнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастурини 1998 йил 1 сентябргача ишлаб чиқиш юклансин. Дастурда:

ишлаб турган ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, лицейлар ва коллежларнинг мавжуд моддий-техника базасидан фойдаланиш;

мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларнинг бушайдиган биноларини реконструкция қилиш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг янги биноларини, уларнинг ҳудудлар бўйича мақбул жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда, қуриш;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини моддий-техникавий таъминлаш, уларни лабораториялар ва устахоналар, асбоб-ускуналар ҳамда ҳисоблаш техникаси воситалари билан жиҳозлаш;

ётоқхоналар билан таъминлаш ва зарур маиший шароитлар яратиш назарда тутилсин.

Дастурни ишлаб чиқиш, туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, календарь йил бўйича амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда 1999 йил ва келгуси йиллар учун бюджетни тайёрлашда Дастур топшириқларини бажаришни маблағ билан таъминлаш манбаларини республика бюджети; вилоят бюджетлари; тегишли вазирликлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва корхоналар; ҳомийлар маблағлари ҳисобига назарда тутсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 13 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи

Виждон эркинлиги — фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган Конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи ўйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун буйича жавобгардирлар.

7-модда. Таълим тизими ва дин

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

8-модда. Диний ташкилотлар

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин — марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

9-модда. Диний ўқув юртлари

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва уларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг рухсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

10-модда. Диний ташкилотнинг устави

Диний ташкилотнинг устави қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

тузилиши ва бошқарув органлари;

маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан ташқаридаги мулкий муносабатлар;

уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади;

диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

диний ташкилотнинг устави;

таъсис йиғилишининг баёни;

тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;

диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;

таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;

таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;

рўйхатга олиш йиғими тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб ҳиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олиниши лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларидан рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12-модда. Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлар мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат биноларини қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек, хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкини тасарруф этиш

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео- маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қонун ҳужжатлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ҳамда идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддат ичида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 май.

ИЛМ БИЛАН ВАТАН АНГЛАНАР

(Боши 1-бетда)

ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган». Бу фикр тасдиғи сифатида бир далил келтиришни лозим топдик: Аббосий халифаси Маъмун Шом мадрасасига бир носаро муаллимни ишга тайин этганда унга эътироз билдирганларга қарата, мен бу одамни дин ишларимда раҳбарим бўлсин, деб эмас, бир фан муаллими ўлароқ келтирдим, дея жавоб қайтарган экан.

Мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида диний ақидапарастлик, ислом ниқоби остида ўзларининг тор доирадаги манфаатларигагина хизмат қилувчи такаббур ниятли гуруҳларнинг пайдо бўлганлигига ҳам сунгги пайтда жойлардаги раҳбарлар томонидан юқорида таъкидланган қатъий ёндашувнинг, ҳушёрликнинг сусайганлиги сабаб бўлди. Ёшларимиз онгига ушбу гуруҳларнинг биқиқ доирасида илдамлаб бўлмаслиги, фаровон турмушга фақатгина замонавий илмларни эгаллаш, олинган билимни эзгу ишларга сарф этиш орқалигина етишиш мумкинлиги зарур даражада сингдирилмаганлиги аён бўлди. Ваҳоланки ислом дини ҳам «бутун ўрганилган илмнинг ҳидоят ва раҳматга маёқ бўлишини, унинг разолат ва бузғунчиликка ҳаммол бўлмаслигини истайди».

Бу борада, аввало, ота-она, таълим-тарбия муассасалари олдида турган вазифалар хусусида тўхталадиган бўлсак, «Таълим тўғрисида»ги ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонунни бирбирига солиштириш ўринли. Негаки биринчисида «Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар», дейилган. Иккинчисида «Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди», дейилади. Бу иккала ҳолда ҳам ота-она ва мактаб зиммасига ўз вазифалари аниқ қилиб юкланган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак бу иккала қонунга амал қилиш ўз-ўзидан мавжуд муаммони бартараф этишнинг бирдан-бир йўли. Шундагина фарзандларимиздан бировнинг осойишталигини бузиб, хонадонига ўт қўйиб, ўз шахсий манфаатларини қондиришни ният қилганлар алдовига учмай, унинг акси ўлароқ, ўз Ватани тараққиётида ўз порлоқ келажагини кўра биладиган, уни кўзи қорачиғидай асрай биладиган фидойилар етишиб чиқиши кафолатланади.

А. РАҲИМОВ

БАРЧАНИ МАМНУН ЭТГАН МАСКАН

Сиз суратда кўриб турган, Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманида жойлашган бу боғча бошқа тарбия масканларидан фарқланиб туради. Мазкур махсус боғча тилида нуқсони бор болаларни логопедлар ва тарбиячилар билим ва тажрибаларига асосланиб, бошқа болалар каби равон гапиришни ўргатишади.

— Боғчада шундай болалардан 284 нафари тарбияланади, — дейди боғча мудираси Мавжуда Ғиёсова. — Болалар 14 гуруҳга бўлинган. Буларга 32 тарбиячи ва 10 логопед бириктирилган. Тарбиячилар болаларни тарбиялаш, уларга билим бериш билан шуғулланишса, логопедлар болалардаги талаффуз нуқсонларини йўқотиш билан шуғулланишади.

Болалар учун бу ерда барча шароитлар яратилган. Ҳар бир гуруҳда фитобар ташкил қилинган. Болалар дунёқарашини шакллантирувчи, турли касблар ҳақида тушунча берувчи махсус дарс хоналари ажратилган. Масалан, тасвирий санъат хонасида тарбияланувчилар расм чизишни, чинни ишлаб чиқариш корхонасидан олиб келинган махсус лойлардан турли ҳайкалчалар ясашни ўрганишади. Бундай ишларни тасвирий фаолият хонаси тарбиячиси Зулфия Ишмуҳамедова олиб боради. Албатта, бундай ибратли ишларни олиб боришда боғча услубчиси Насиба Алимуҳамедованинг ҳам ҳиссаси катта бўлади.



Дарвоқе, боғчанинг иш фаолиятига бу йил 18 йил тўлибди. Кувонарлиси, бу боғчадан чиққан ўғил ва қизлар турли мактаб ва лицейларда бошқа тенгқурлари каби бемалол билим олишмоқда.

Бундан боғча ходимларининг ҳамиша кўнгиллари шод. Ушбу боғчада тарбияланган болаларнинг ота-оналари ҳам фарзандларини тарбиялаб, тилини равон қилган боғча ходимларидан жуда мамнунлар.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ
Муаллиф олган суратлар

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

???

Мактабда олийгоҳни битирган бошланғич синф ўқитувчиси тарбиячи бўлиб ишлаб турибди. Яна бошқа гуруҳда педбилим юртини битирган киши тарбиячи бўлиб ишлаяпти. 1—4 синф ўқитувчиси бошқа жойга ишга кетса, унинг ўрнига мактаб директори қайси ўқув юртини битирган (олийгоҳними ёки педбилим юртини) мутахассисини ўқитувчиликка тайинлайди?

О. САТТОРОВ
Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани

О. Сатторовнинг бу саволига республика халқ таълими вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Тошматов жавоб беради:

!!!

Бу савол эгасига шуни маълум қиламизки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини педагогик мутахассислик бўйича тугатган ёшлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Битирувчиларни таълим муассасаларига қабул қилиш амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида муассаса маъмурияти ва мутахассис ўртасида меҳнат шартномаси (контракт) тузиш орқали амалга оширилади.

???

Ўз аскарлик вазифасини Афғонистонда ўтаган фуқаролар фарзандларига боғча, гимназия, лицейларга тўланадиган овқат бадалларидан озод қилинадиларми?

Гулнора АЛИМАТОВА,
Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳридаги «Ғунча» боғча-гимназия ўқитувчиси

Г. Алиматова йўллаган бу саволга Республика халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Х. Аҳмедова шундай жавоб беради:

!!!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 22 ноябрь 441-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими, молия ва меҳнат вазирликлари ишлаб чиққан кўрсатмага мувофиқ, фақатгина ота-оналардан бири ногирон (яъни 1 ёки 2- группа) бўлса, мактабгача тарбия муассасаларига тўланадиган ҳақ миқдори 50 фоизга қисқартирилади.

Тузатиш: Газетамизнинг шу йил 18 апрель сонида Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси Омон Ҳайитовнинг берган саволига жавобнинг Эслатма қисми қуйидагича ўқилсин:

ЭСЛАТМА: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрь 409-сонли қарорига асосан, 15 ўқувчидан қам бўлган синфларда (синф-комплектларда) синф раҳбарлиги, дафтар текширганлик учун тўланадиган қўшимчалар белгиланган 375 сўмнинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Бугун Президент Борис Ельцин ва Бош вазир Сергей Криенко учрашувларида молиявий тартиб-қоидаларни мустаҳкамлаш мезонларини кўздан кечирганлар.

***

Яқин кунларда Россия Ички ишлар вазири Сергей Степашиннинг Чеченистонга ташрифи кутилмоқда, деб хабар қилади Интер-факснинг Грознийдаги манбалари. Бу ташриф Россия-Чеченистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари доирасида «Жиноятчиликка қарши кураш ҳамкорлиги» шартномасини имзолаш билан боғлиқдир.

Москва, «Маяк» рус эшиттириши

Ҳиндистон томонидан олиб борилган ядро синовларига халқаро ҳамжамиятнинг норозилиги кучайиб бормоқда. Покистон ҳукумати, Ҳиндистон ҳаракати жавобсиз қолмайди, деб айтди.

***

Қирғизистон Бош вазири Қувоншбек Жумалиевнинг сўзларига кўра, Президент Аскар Акаев учинчи марта Президент сайловолди компаниясида қатнашиши мумкин.

***

Туркияда таъқиқланган исломий Рифоқ партиясининг ўрнига Фазилат партияси янги раҳбарини сайлади.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгилаб берувчи дастлабки муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. Бутун дунё халқлари яқинда жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берган ана шу муҳим ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллигини байрам қилиш арафасида турибди.

Мамлакатимиз аҳли Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини юртимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин ратификация қилинган биринчи халқаро ҳужжат сифатида қадрлайди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва судьялар мустақиллиги» мавзуидаги Миллий анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Судьялар Ассоциацияси ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури ҳамкорликда ўтказишди.

Мамлакатимизда илк маротаба кенг миқёсда ўтказилган мазкур Миллий анжуманда инсон ҳуқуқларининг асосий ва халқаро тамойиллари, уларни Ўзбекистон шароитида ҳаётга татбиқ қилиш тажрибалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишда судлар ва адвокатуранинг роли, судьялар мустақиллигининг халқаро меъёрлари каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Миллий анжуманда номлари юқорида қайд этиб ўтилган ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адвокатлар Ассоциацияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, чет эллар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпуси вакиллари, шунингдек, турли партиялар раҳбарлари, университетлар, институтлар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Норали ОЧИЛОВ

1998 yil — Oila yili

ЗАНГИОТАЛИК СУЛОЛАЛАР

Оила — камолот қасри. У ўзида вужудга келган фарзандларни тарбиялайди, яхшиликка етаклайди. Етакловчи куч эса ота-онадир...

Ўғил-қизларини ўқитувчиликнинг нони билан тарбиялаб вояга етказган зангиоталик оила бошлиқлари ҳақида кимдир билар, кимдир билмас. Улар уч авлод ва уч сулола. Носир Бекмирзаев, Латиф Охунов, Маҳаммадамин Қўзибоев ва уларнинг оиласи. Ота-она изидан кетганлар ҳар бир оилада 9-10 киши.

Яқинда мазкур оилаларнинг муаллимликни танлаган барча вакиллари Тошкент вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтига таклиф қилиндилар...

Тадбир бошланишидан аввал биз институт маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи Қодиржон Амиржонов билан юзлашдик:

— Бу бизнинг Оила йилига бағишланган тадбирларимиздан бири. Зангиота туманидаги ўқитувчилар сулоласига ўхшаш оилалар вилоятимизда анча. Мактабга жони бахшида бундай устоз ва мураббийлар қаршисида ҳар қанча қуллуқ қилсак оз.

Пенсионер Ойниса опа Охунова таъкидлаган сўзлар:

— Бир даргоҳда ўттиз беш йил ишлаб қўйибман. Шунча йилнинг қандоқ ўтганлигини сезмадим. Турмуш ўртоғим Латифжон ака билан 27-ўрта мактабда бирга ишладик. Уларнинг умумий стажи 51 йил. Биздан фарзандларимиз урганишди, улар эса бир-бирларининг изидан кетишди. Ҳозирда ўғил-қиз, келин-қуёв, невараларимнинг ичида 17 нафар ўқитувчи, тарбиячилар бор.

Фахр-ифтихор ҳислари бундан ортиқ бўлмайди! Ўз умридан қониқиб сўзлаётган мураббия теграсини ўраб олган ўғил-қизларидан ҳам шу сингари изҳорлар тингладик.

40-ўрта мактабда фаолият кўрсатаётган ака, опа, ука, сингилларнинг жами педагогик стажлари 400 йил, яъни тўрт асрдан кам эмас. Бу маҳаллалар ҳисоб-китоб қилинадиган жиҳати. Аммо бу йиллар орасида улар қанчадан-қанча шогирдларни тўғри йўлга солмадилар? Умриниса, Мамадали, Аҳмадали, Раҳмадали, Бахтиёр, Умида, Лаълихон, Муҳаббат, Матлуба Қўзибоевалар... Ҳозирда мактаб ўқувчиси бўлиб юрган Улуғбек, Севара, Чарослар ҳам ўз ота-оналаридан ибрат олишади. «Ўқитувчи» бўлиб бир-бирларига дарс беришади. Тақлид эса орзуларга бошлайди...

Микрофондан хонанданинг хониши таралди, тадбир бошланиб қолди. Бир давра бўлиб ўтирган Носир ака Бекмирзаевлар сулоласи билан гарчанд дилдан суҳбат қурмаган бўлсамда, билдимки, ота-онаси изидан одимлаган фарзандлар ҳам ўз касбкорларининг таърифу тавсифини боплаб келтирар эдилар. Ҳали барваста ва бақувват Носиржон аканинг ёнгинасида хиёл жилмайиб ўтирган рафиқасига қараб хаёлимдан шу сўзлар ўтди: «Сиз ажойиб бир жутфсиз! Минглаб шогирдларингиз қалбига жойланган ўчмас Сиймосиз!».

Бу тадбир иштирокчилари том маънода ибрат мактабидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Маърифат» мухбири

Yaxshilar oramizda

ҚАЛБИ ТУҒЁН МУАЛЛИМА

Унинг одати шунақа: елиб-югуради, серташвиш, сира тиниб-тинчимайди. Аммо қанчалик иш билан банд бўлмасин мудом чеҳраси очиқ, ҳаммага меҳрибон, ўта хушфеъл, лабидан кулгию табассум аримайди. Мамлакатхон Раҳимова 1992 йилдан буён Самарқанд шаҳридаги 1-физика-математика лицейи директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовини вазифасида ишлаётган эди. Икки йил бўлди, унинг бу соҳадаги тажрибасини ҳисобга олиб, СамДУ ҳузурида очилган иқтидорли ёшлар лицейининг худди шу лавозимига таклиф этилди.

— Бошида анча елиб-югуришга тўғри келди, — дейди у. — Очиғини айтсам, маъмуриятни ҳам, бошқаларни ҳам, умуман бутун педагогик жамоани ҳоли-жонларига қўймадим. Ўқув-тарбия ишлари учун мен жавоб берадиган бўлсам тинч ўтириб бўладими? Лицей тамоман янги таомилдаги ўқув даргоҳи, ахир. Кўпчилик ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти уни. Умумтаълим мактабларидаги услублар, ёки Шўро замонидаги «ура, ура»лар кетмайди бу ерда. Иқтидорли авлоднинг илмгоҳи ҳам, унинг режа ва услублари ҳам, таълим берувчи устозларию тарбиячилари ҳам, қўйингки, барча имкониятлари шунга яраша бўлмоғи даркор! Шундай бўлсагина кўзланган мақсадга тезроқ эришилади. Кўпчиликнинг бир жон, бир тан бўлиб, сидқидилдан қилган саъй-ҳаракатлари самарасиз қолмади. Жумладан, ўзим бошқалар тажрибасини ўрганиш учун шаҳардаги ва республикадаги кўпгина мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларини айланиб чиқдим. Билимли, услубий маҳорати ва бошқа қобилиятлари билан танилган ўқитувчи ва мутахассислар билан фикр алмашдим, уларни лицейимизга ишга таклиф этдик. Натижада таълим-тарбия ишлари барча фанлар бўйича билимдон, тажрибали ва иқтидорли кишилар қўлига ўтди, 60 нафардан иборат бақувват жамоа вужудга келди. Лицейнинг ўқув хоналари кўргазмали воситалар, дарсликлар ва бошқа зарур ашёлар билан тўлиқ таъмин этилди. Озода ётоқхоналарда муайян тартиб ўрнатилди. Бу ишлар ўқувчилар ҳатти-ҳаракати ва хулқ-атворида аллақачон ўз самарасини кўрсатди ҳам. Улар тамоман янгича тафаккур эгалари бўлиб қолдилар. Қараб туриб, баъзан беҳад қувониб кетаман, ҳавас қиламан. Ҳозир лицейимизнинг 9—11-синфларида 310 нафар ўғил-қизлар таълим олмоқдалар. Уларга 13 нафар фан номзодлари, 2 нафар профессорлар, олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар, тажрибали мураббийлар таълим-тарбия бермоқдалар.

...Мамлакат Раҳимова ота касбига меҳри, онанинг дуоси, тинимсиз изланиши ва интилишлари, шунингдек, ёш авлодга билим ва тарбия бериш борасидаги маҳорати, хусусан, педагогик ва раҳбарлик услублари туфайли жуда тез ярқ этиб кўзга ташланди.

Отаси Эрмамат бобо Худоёров ҳам қирқ йилдан зиёд шу касбда ишлаб, худди шундай обрў қозонган ва «Халқ маорифи аълочиси» даражасига кўтарилган табаррук зотдирлар. Кекса отахоннинг эл орасидаги, хусусан, эндиликда вояга етган шогирдлари олдидаги ҳозирги иззат-эътиборларини энди қўяверинг, айтаверса катта бир достон бўлади!..

Мамлакатхон Самарқанд Давлат дорилфунунининг механика-математика қуллиётини тугатиб, орзу қилиб юргани ўқитувчилик касбига келди ва бу соҳада дарров ўз ўрнини топди. Кўп ўтмай ўқитувчилик билан бирга мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича муовин вазифаларини бажара бошлади.

Талабчан раҳбар ўзининг фойдали маслаҳатлари, янги-янги услубий кўрсатмалари билан барча касбдошлари ҳурматини қозонди. Иш тажрибаси, узлуксиз илмий-назарий изланишлари асосида ўндан зиёд мақолалар, услубий тавсиялар ёзди. Математика фанини таянч белгилари (сигналлар) асосида ўқитиш бўйича тўплаган тажрибалари, айниқса, катта эътиборга лойиқ бўлди. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ва Темир йўл туман халқ таълими бўлими буларнинг ҳаммасини йиғиб, ўқув қўлланмаси сифатида махсус китоб шаклида нашр этди. Бундай фидокорона меҳнатлари учун «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Мамлакатхоннинг шахсий ҳаёти ҳам ибратли. Турмуш ўртоғи, таълим бобидаги биринчи устози Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг доценти Маҳаммат Раҳимов, ўғли Нодиржон билан қизи Мунираойларнинг кундалик фаолиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Фарзандларини доим тергаб, имтиҳон қилиб туради. Нодиржон билан Мунираойлар Самарқанд тиббиёт институтининг талабаларидирлар.

Аҳмад НАРЗИҚУЛ ўғли,
меҳнат фахрийси, журналист,
Нарзулла АҲМЕДОВ,
тарих фанлари номзоди

Kasbim-faxrim

ШОГИРДЛАРИМ — ШОДЛИГИМ

Арзиқул Сафаровни Нуробод туманининг аҳли маорифчилари яхши танишади ва эъзозлашади. Иқтидорли муаллим бундай эътиборга ўзининг узлуксиз, машаққатли ва шу билан бирга шарафли меҳнатлари эвазига эришган.

Туманнинг Тим қишлоғида жойлашган Алишер Навоий номидаги 56-ўрта мактаб Арзиқул ака учун энг қадрдон даргоҳ, таъбир жоиз бўлса, иккинчи уйи ҳисобланади. Боиси, Арзиқул Сафаров кечирган 54 йиллик умрнинг 48 йили мана шу маскан ҳаёти билан боғлиқ ҳолда кечган. Бошқача қилиб айтганда, Арзиқул ака эсини танибдики, ҳар тонг шу мактаб қучоғи сари талпинади.

Дастлабки, ун йиллик ўқувчилик даври, ундан кейинги икки йиллик болалар етакчиси вазифаси ва 1966 йилдан буён мунтазам давом этиб келаётган она тили ва адабиёт фани муаллимлиги... Мана, бир қарашда соддагина кечирилган умрдай таассурот қолдирувчи оддий муаллим ҳаёти. Лекин, бу оддийлик ва соддалик замирида улкан садоқат — касбга, мактабга бўлган садоқат бўртиб кўринади. Шогирдлар камолидан бир лаҳза бўлса-да қувониш эса, бу садоқатнинг энг улкан самарасидир. «Шогирдларим менинг шодлигимдир, — фахрланиб сўзлайди муаллим. — Улар бугун турли жойларда, турли вазифаларда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг менга бўлган эҳтиромлари чексиз. Сен ҳарф ўргатган, сенинг сабоқларингнинг бир қатрасини бўлса-да, қалбларига жойлаб элу юрт учун, халқ учун меҳнат қилаётган шогирдлар камолини кўришдан ҳам ортиқ қувонч, шодлик бормикан, муаллим учун».

Арзиқул Сафаров ўзининг намунали меҳнатлари туфайли «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимининг қатор фахрий ёрлиқларига сазовор бўлган. У кишининг фарзандлари ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда. Ўғли Аслиддин эса, ота касбини эгаллаб, ёшларга сабоқ бермоқда.

Ҳар тонг мактаб сари тушган илк излар соҳибини сиз, биз — ҳаммамиз яхши танийиз. Бу барчамиз учун қадрдон ва азиз бўлган устоз Муаллимдир.

Насриддин ШАМСИДДИН ўғли

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Узбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Сирғали туман қўмитаси ўз ҳудудидаги мактаблар билан ҳамкорлик ўрнатиб, бу ерда турли тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, туман мактаблари ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланган.

— Ҳар йили апрель ойида мактабларо «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўрик-танловини ўтказамиз, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти туман қўмитаси раиси Мирожия Аҳмадхўжаева. — Ўтган йили мазкур тадбирда тумандаги 22 та мактабдан 164 нафар ўқувчи иштирок этганди. Шу йил 10 апрелда ўтказилган кўрик-танловда 25 та мактабдан ўқувчилар қатнашишди. Улар мактаблардаги санитар постларининг вазифалари ҳақида пухта билимга эга эканликларини намоён этишди.

Туман мактабларида 34 та санитар постлари, 4 та билим даргоҳида эса Меҳрибонлик гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, фаол ишлаб турибди.

Шунингдек, жорий ўқув йили давомида тиббиёт ходимлари ўқувчиларга илк тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам машғулотлар уюштиришди. Бу борада 26 соатлик дастур ишлаб чиқилган. Шунингдек, туман қўмитаси халқ таълими бўлими билан биргаликда 10-синф ўқувчилари учун «Халқаро инсон манфаатларини ҳимоя қилиш» юзасидан 10 соатлик дастур ишлаб чиқиб, уни амалга оширмоқда. Бу эса ёш авлоднинг санитария ва гигиеник билимларини оширишга, зарур ҳолларда илк тиббий ёрдам кўрсатишга оид билим ва кўникмалар ҳосил қилишларига ёрдам беради.

С. ҲАКИМОВА

Sport maydonchasi

«МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ»

Янаги ҳафта пойтахтимизнинг «Юнусобод» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича 2-анъанавий «Мустақиллик кубоги» мусобақалари бошланади. Ушбу турнирда АҚШ, Польша, Италия, Туркия, Болгария, Эрон, Россия, Озарбайжон, Грузия каби 30 га яқин давлатларнинг полвонлари қатнашади.

ЎҚУВЧИЛАР ФУТБОЛИ

Шу кунларда футбол бўйича республикамиз билим юртлари ва РОЎБЮ ўқувчилари ўртасида мамлакатимиз биринчилиги мусобақалари ўтаяпти. Ушбу биринчиликда қатнашаётган 6 та жамоадан ғолиблар чоршанба куни аниқланади.

«УНИВЕРСИАДА» ЧОРЛАЙДИ...

Кейинги ҳафтада Самарқанд шаҳрида «Универсиада» беллашувларининг финал баҳслари бўлиб ўтади. Ушбу баҳсларда республикамиз олий ўқув юртлари талаба ёшлари ғолиблик учун курашадилар.

«ОСИЁ ЮЛДУЗЛАРИ»ГА АЪЗО

Малайзия пойтахтида баскетболчи эркаклар жамоалари ўртасидаги 9-Осиё чемпионлари кубоги турнири давомида ҳамюртимиз Олег Левин МҲСК жамоасининг хитойликлар билан ўтган учрашувида энг сермаҳсул ўйинчи (30 очко) деб топилди. У турнир якунида тузилган «Осиё юлдузлари» жамоасига ҳам аъзо бўлди.

АЁЛЛАР СПОРТИДА ЯНГИЛИК

Халқаро енгил атлетика федерацияси Президенти Примо Небиолонинг таъкидлашича, 1999 йили ўтадиган жаҳон чемпионати ва 2000 йилдаги ёзги олимпиада ўйинлари дастурига аёлларнинг таянч билан сакраш ва дискни узоққа отиш мусобақалари киритилади. Шундай қилиб, енгил атлетика бўйича эркаклар ва аёллар дастурлари тўлалигича тенглаштирилди.

Xullas...

НОЁБ ҚУШ — ЛАБОРАТОРИЯ «МЕҲМОНИ»

Бошқирдистон Давлат университетининг зоология кафедрасида одатдан ташқари «меҳмон» пайдо бўлди. Апрель бўронлари камдан-кам учрайдиган бу қушни аллақаёқлардан келтириб ташлади.

Йирик сақоқуш (пеликан) Оқ денгизнинг музламай қолган жойидан паноҳ топган. Бир неча кундан сўнг шўрлик қушнинг ярим музлаган танасини Дюртюлинск туманида яшовчи Михаил Адельшин топиб олди. Янги тутилган балиқ билан боқилган қуш хиёл ўзига келгач, Михаил уни олимларга жўнатди.

Бошқирдистон университети доценти А. Маматовнинг ҳикоя қилишича, бу камёб денгиз қуши 60 йил муқаддам кўриниш берган. Фавқулодда ҳодисанинг охири нима бўлди денг? Зоологларнинг барчаси уни ўрганишга даъвогар, қуш бечора у лабораториядан бунисига кўчирилавериб, ҳолдан тойиб қолди. Тахминимиз шуки, бошқирдистонлик олимлар уни ҳозир учириб юборган бўлишса керак.

МИНЕРАЛ ЎРНИГА УКСУС

Вильнюс деган ёқларда, аниқроғи, шу шаҳарга қарашли Тракайск туманида яшовчи аёл магазиндан бир шиша минерал сув харид қилди. Суюқлик унга шубҳалироқ туюлди ва аёл уни текширишга элтди. Яхшиям татиб кўрмагани, шишадаги минерал сув эмас, уксус бўлиб чиқди.

Корхона раҳбари эса бу билан менинг тагимга сув қуймоқчи бўлишган, рақибларимнинг ҳийла-найрангини, шукрки, сезиб қолишибди, дея ўзини оқлашга тушган. Мантиқан ўйлаб кўрилганда, директорнинг фикри ҳам тўғри. Ахир, минерал сув қуйиладиган автоматик ускунадан қандай қилиб кислота қуйилиши мумкин? Бироқ кимнингдир кимдандир қасдини олиши, қолаверса, учинчи бир кишининг ҳам ҳаётини хавф остида қолдириш инсофдан эмас-да энди.

КАПИТАЛИЗМ, СОЦИАЛИЗМ ҲАМДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ГУВОҲИ

Севастополлик 105 ёшли Мария Назаренко капитализм даврида туғилиб, социализмнинг паст-баландини ҳам кўрди, ҳозир эса «бозор иқтисоди» деб аталган замонага гувоҳ.

Мария Назаренко ҳали бардам, ўзини-ўзи эплайди. Ҳаттоки шеър ўқиш унинг севимли машғулоти. Ҳаёти фақат ҳалол пул ишлаб топиш билан ўтган бу нуроний аёлдан сўрашади: «Кўп яшашингизнинг сири нимада?» Кампирнинг эътирофи эса шундай: «Ҳеч кимга ҳасад қилмадим».

ana shunaqa gaplar

ЯНГИ ХАМСА

Муҳтарам китобхон!

Ўзбекистон халқ шоири, ҳозирги замон ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, публицист ва олим, маданият ва жамоат арбоби Барот Бойқобилов қирқ беш йилдан буён ўзбек маданияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, элу юрт равнақи учун астойдил хизмат қилмоқда.

Истиқлол ва саодат куйчиси Барот Бойқобилов ўнлаб достон, қирқдан зиёд шеърий китоблар муаллифи. У ўзбек шеъриятида сонет жанрига асос солган шоирдир. Унинг «Сонетлар» (1982) китоби бунга гувоҳ. Барот Бойқобилов пировардида «Сонетлар гулчамбари» ва юз сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» достонини рақам этди.

Халқимиз ва юртимиз тарихи билан ўз тақдирини боғлаган Барот Бойқобилов «Кун ва тун» (1968) шеърий қиссасида ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Бобурнинг бадиий тимсолини яратди.

Барот Бойқобилов ижодида улуғ шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий мавзуи алоҳида диққатга моликдир. У сўз мулкининг султони, ўзбек адабиётининг соҳибқирони Алишер Навоийнинг етук сиймосини яратиш устида узоқ йиллар ўз умрини сарфлади.

Забардаст шоир ва навоийшунос Барот Бойқобиловнинг ҳазрати Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг ҳайратли ҳаёти ва хайрли аъмоли ҳақида яратган «Навоийнома» («Шукуҳли карвон», «Нотинч Хуросон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» шеърий рўмонлари) чоркитоби муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирланди.

«Навоийнома»да адабиётимизда ҳукм суриб келган синфийлик назариясидан чекиниб, тарихимизга тўғри ва одил кўз билан ёндошилди, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилинди. Навоийшунос олимларнинг фикрича, муаллиф бу вазифанинг уддасидан чиқди ва «Навоийнома» чоркитоби шеъриятимиздаги улкан воқеа деб тан олинди.

Не бахтки, муаллиф яна мозийга қайтиб, хайрли ишга қўл урди ва Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари сингари буюк зотларга, шавкатли темурийлар салтанати соҳибларига пири муршидлик қилмиш Нақшбандия тариқатининг қутби — Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший ас-Самарқандий — Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари хусусида «Навоийнома»нинг бешинчи китоби — «Ҳайратул-Аҳрор» («Аҳрор ҳайратлари») шеърий асарини ёзди. Маълумки, ислом ва тасаввуф, Хожа Аҳрор ҳақидаги боблар, ўз вақтида баъзи сабаблар туфайли «Навоийнома»га киритилмаган эди. Энди уни муаллиф қайта тиклади ва алоҳида бир китоб қилди. Унда буюк Валийуллоҳ Хожа Аҳрор ҳазратлари яшаган мураккаб даврни, унинг ижтимоий-сиёсий муҳитини, улуғ Эшоннинг ибратли ҳаёти ва савобли аъмолини тасвирлади ва Шўро тузуми даврида илм-фанда, бадиий адабиётда ҳақиқатга хилоф равишда Хожа Аҳрорга нисбатан тўқиб келинган турли уйдирмаларга барҳам берилди.

Зеро, XV аср — Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор асридир.

Мозийга муборак сафар қилган Барот Бойқобилов «Хамса»нинг буюк пирлари Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг қутлуғ анъанасини давом эттириб, беш улкан достондан иборат «Янги Хамса»ни яратди. Ҳазрати Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сидан кейин беш юз йил ўтгач юзага келган мазкур асар Мустақилликка эришган элу юртимиз ҳаётида шоён, ўзбек адабиётида улуғ воқеадир. Маҳорат ва шижоат билан иншо этилган «Янги Хамса» миллий шеъриятимизнинг ажойиб ютуғи, маданият ва маънавият ёдгорлиги сифатида муҳтарам китобхонларга тақдим этилмоқда. Бу нодир асар севимли шоиримизнинг узоқ йиллик ижодий меҳнатининг шарафли маҳсулидир.

Шоир орзу қилганидек:

«Янги Хамса»дан ҳам ўтиб замонлар,

Баҳраманд бўлсалар азиз инсонлар!

Мазкур асарни «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти 15.000 нусхада нашр этди. Китобга Жонибек Субҳон ва Рашид Рауф муҳаррирлик қилган, уни Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофотининг соҳиби, профессор Қутлуғ Башаров безаган.

Муҳтарам газетхонлар эътиборига «Янги Хамса» китобига ёзилган таҳририят тавсифи тавсия этилди.



Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ХТБга қарашли 16-мактаб битирувчилари ҳам бу йил илк бор жисмоний тарбия дарсидан имтиҳон топширдилар.

— Икки синфнинг 47 нафар битирувчиси назарий кўринишдаги босқични тест синови орқали, амалий босқични эса спорт майдончаларида намойиш этиш билан топширишди, — дейди имтиҳон комиссияси раиси, мактаб директори М.Мирпўлатов.

Умуман, ўқувчилар муаллимлари З.Раҳимова ва А.Мақсудовлар кўмагида имтиҳонларга пухта тайёрланганликларини намойиш қилишди.

СУРАТЛАРДА: илк имтиҳон лавҳалари.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

Шоир ва адиб Шуҳратнинг ёрқин хотирасига

Умр ўтди синовда, кундуз ила тун,
Гоҳ аччиқ айрилиқ олди комига.
Ҳасаду худбинлик кўрсатиб кучин,
Шафқатсиз ирғитди туҳмат домига.

«Ўнг қўл меҳнат қилди, тополмади бахт,
Сўлга тилла соат қўйдилар тақиб».
Кимдир амал олди, ким сохта шуҳрат
Покиза инсонни айлагач таъқиб.

Не учун? Не сабаб? Қай гуноҳ учун?
Жавоб беролмасди ул жоҳил замон.
Бажо этганими инсонлик бурчин,
Ёхуд халқ дардими? Дардки беомон.

Ёки одамзодга ибрат бўлғуси
Шогирд садоқати беқиёс мисол.
Балки ўқ сўзлиги, нозик туйғуси,
Ёки чўнг меҳнати сут каби ҳалол.

Ё тоза имони, миллат ғурури —
Букилмас ирода, сўнмас эътиқод,
Меҳр-ла порловчи кўзлари нури
Ёвузлар қалбига кўриндими ёт?

Нечун шунча ташвиш, ғам, андуҳ, алам,
Дерсиз шўрлик бошга, парча юракка?
— Кураш, деб ушланур одатда қалам,
Токим етмагунча эзгу ниятга.

Устоз, бу фазилат эди сизга мос,
Ўзини ўйловчи буни англамас.
Сиздаги қалб қўри улуғларга хос,
Олтин номи ўчмас, Олтин Зангламас...

Шукур ДАДАШ

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ЭЪТИБОР

Жиззах вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ва Бахмал тумани халқ таълими бўлими ҳамкорликда «Таълим-тарбия жараёнида миллий ҳунармандчилик қўникмаларини такомиллаштириш» мавзуида амалий семинар кенгаш ўтказди. Кенгаш Бахмал туманидаги 1-урта мактабда бўлиб ўтди.

Йиғилишни Бахмал тумани ХТБ мудири С. Мирзабеков кириш сўзи билан очди. Унда вилоят ПХМОИ меҳнат ва эстетика бўлими бошлиғи Исоқ Исмоиловнинг «Таълим-тарбия жараёнида миллий ҳунармандчилик қўникмаларини такомиллаштириш» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Иштирокчилар бугунги кунда таълим масканларида миллий ҳунармандчилигимизга булаётган эътибор, ёшларга бу соҳада берилаётган билим ва қўникмалар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди ва ушбу семинардан катта таассурот олганликларини таъкидладилар.

И. БЎРИБОЕВ

«ЎҒРИНГИЗНИ КЕЧИРИНГ, АЯ...»

Siz nima deysiz?

«Уша кунни эсласам, юрагим музлаб кетади. Тўғри, бунга 10-12 йиллар бўлиб қолди, барибир унутолмайман. Мен аямни биринчи марта алдаган кун... Даҳшат!!! Ёмон фикрлаш, ёлғончилик, қаллоблик ва кўзбўямачиликнинг ибтидоси эди у...

4-синфни чала-чулпа тугатиб, ёзги таътилга чиқдик. Тумандаги «Мингчинор» оромгоҳига бораётган болаларни кўриб, менда ҳам шу истак туғилди. Аяжоним барча-барча нарсани муҳайё қилдилар: йўлда чанқаганда ичиладиган чой, икки-уч сидра кийим-бош, ҳўл-қуруқ мевалар, овқат ва бошқа нарсаларни йўлхалтамга солиб, ўйланиб қолдилар. «Ҳовлидаги сўри устига 5 сўм пул қўйгандим, мабодо кўрмадингизларми?» — сўраб қолдилар сингилларим ва мендан. Оҳ, афсус, сингилларим қатори мен ҳам йўқ, дедим ўзимни бамайлихотир кўрсатишга уриниб. Лекин уни 5-10 дақиқа олдинроқ, шамол ерга учириб туширанида олиб, жойига қўйиш ўрнига чўнтагимга солгандим.

— ...Ушани сенга бериб қўймоқчи эдим. Йўлда ҳавасинг келган нарсани олиб ерсан деб. Ҳай, майли, насиб қилмаган экан. Энди бошқа пулим ҳам йўқ эди.... — хижолат чекдилар аям.

Тақдирни қарангки, қўлимдаги ўша пул менга насиб этмади: каттароқ болалар уриб, қўлимдан тортиб олиб қўйишди...

Орадан йиллар ўтди.

Йўқ, мен сиз ўйлаганчалик ўғри, алдамчи ва ё тилёғламачи бўлиб кетмадим. Лекин барибир ўша қилган ишим мени ҳануз азоблайди. Билсангиз ҳозир ҳам буни аямга айтишга уяламан. Тўғри, аям кечиримлилар, аммо мен — собиқ ўғри буни қандай айта оламан?!

Мени, ўғри болангизни кечиринг, аяжон».

Ҳурматли муштарий! Биз ушбу мактуб эгасининг илтимосига кўра унинг манзилини, исмини кўрсатиб ўтмадик. Сиз 10-12 йил аввал ўғрилик қилиб, энди виждон азобида қийналаётган бу «бардошли» йигит ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз? Мактубингизни кутамиз.

Хатни Норали ОЧИЛОВ тайёрлади

САЛОМАТ ЭМАС, АЛОМАТ ЭКАН

Ma'rifatsiz kishilar

Андижон — Самара поезди Зарбдор-Жиззах бекатлари оралиғида кетаётганида 6-вагон йўловчиси Саломатхоннинг аломат ишлари фош бўлди. Душанбе шаҳрининг Ленин шаҳрида яшовчи бу аёлнинг ёнидан 81 грамм «героин» гиёҳванд моддаси топилди.

Энди бу аёл ўзининг қора қилмиши юзасидан жавоб беради.

СИНФДОШ ЎҒРИЛАР

Бир замонлар темир қўплигидан бутун-бутун тракторларни каналга юмалатиб юборишганини эшиттанмиз. Энди эса темир дегани салкам тиллога тенг бўлиб қолди, ҳисоб. Устига устак, рангли металларга талаб кучайганлиги боис, жойлардан ҳар хил металларни йиғиб, четга олиб бориб сотишга уринаётган кишилар ҳам учраб турибди. Айниқса, улар энди кучада юмалаб ётган металларни топишаолмагач, бус-бутун турган техника воситаларининг қимматли металлари бўлган ускуналарини ҳам ўғирлаб сотишга уринмоқдалар.

Транспорт ички ишлар бошқармасининг тармоқ ички ишлар бўлимлари ходимлари вагонлар ускуналарини ўғирлашга уринаётган нопок шахсларнинг ҳам кирдикорларини фош этиб, уларнинг тегишли жазо олишларини таъминламоқдалар.

Яқинда Ховос тармоқ ички ишлар бўлимига Даштобод бекатининг 8-йўлида турган 39 та вагондан номаълум шахслар томонидан ҳаво ажратиш мосламалари ўғирлангани баён этилди. Тезкор қидирув тадбирларидан сўнг мазкур асбобларни ўғирлаган қимсалардан икки ўспирин қўлга олинди.

Ажабланарлиси шундаки, ушбу матоҳларни ўғирлаганлар А.Қодирий номли 1-мактабнинг 8-синф ўқувчилари Арифжон М. ва Искандар О.лар экан. Даштобод шаҳрининг Мустақиллик кўчасида яшовчи бу ўқувчилардан 6 дона ашёвий далиллар топилди. Энди бу йигитчаларни ўғирликка ўргатган «ҳомий акалар» ҳам қидирилмоқда. Негаки, уларни ўз ўқитувчилари ўғирлик қилинглар, дея ўргатмаганига биз ҳам ишонамиз. Янаям ким билади?

Ҳуллас, тергов ва суриштирув ишлари давом этмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, Транспорт ички ишлар бошқармаси катта инспектори

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Мирҳабиб ҒУЛОМОВ!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Жажжи қалбларни илму одоб зиёсига чулғашдек энг эзгу ишингизда муваффақият тилаймиз. Ҳамиша соғу саломат бўлинг!

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ жамоаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САЙДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.45. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6